

«Фарғонадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти
кузатув кенгашининг мажлиси
БАЁНИ 10 – сон

2021-йил 05-март
соат 10:00 да

Фарғона шаҳри
Ал-Фарғоний кўчаси 93- уй

Қатнашдилар:
Кузатув кенгаши раиси
Аъзолари:

Э.Мирзоалиев
А.Кўчқоров
Ш.Қодиров
Б.Рахматов
Р.Юсупов
Н.Саидов
А.Менглиев
Х.Баҳрутдинова
О.Қорабоев

Таклиф этилганлар:
Жамият бошқаруви раиси

А.Рўзматов

Жамиятда ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш, саноатда
кооперация алоқаларни
кенгайтириш масалалари бўйича директори

Р.Муллаев

Жамиятда молиявий ва сотиш
масалалари бўйича директори
Жамият бош иқтисодчиси
Жамият юридик бўлими бошлиғи

А.Ҳамралиев
Р.Мамасидиқов
М.Эминова

КУН ТАРТИБИ

1. Жамият бошқаруви раиси А.Рўзматов, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директори Р.Муллаев, молиявий ва сотиш масалалари бўйича директори А.Ҳамралиевларнинг 2020 йил якуни (яъни бизнес режада кўзда тутилган топшириқлар) бўйича йиллик ҳисоботларини эшитиш ва асослантирилган маълумотлари билан акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиш (лозим топилса тасдиқлаш) учун киритиш.

2. 2020 йил давомида жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифати ва нархи бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини, импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш.

3. Кузатув кенгаши таркибига номзодларни тавсия этиш.

4. Тафтиш комиссияси таркибига номзодларни тавсия этиш.

5. 2020 йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш.

6. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини келишиш ва тасдиқлаш.
7. Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун, жамият акциядорлари реестри шаклланиши яқунланадиган санани белгилаш.
8. Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш тартибини белгилаш.
9. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва ишончли вакилига тақдим этиладиган ахборот (материал)лар рўйхатини тузиш.
10. Овоз бериш бюллетенлари шакли ва матнини тасдиқлаш.
11. Санок комиссиясини тузиш ҳақида.

Мажлисни кузатув кенгаши раиси Э.Мирзоалиев очиб, йиғилиш қатнашчиларини кун тартибидаги масалалар билан таништирди. Шундан сўнг, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан сўзни жамият бошқаруви раиси А.Рўзматов ҳамда жамият молиявий ва сотиш масалалари бўйича директори А.Ҳамралиевларга берди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан жамият бошқарув раиси А.Рўзматов ва жамият молиявий ва сотиш масалалари бўйича директори А.Ҳамралиевлар ҳисобот берди. Ҳисоботда жамият томонидан 2020 йилда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ва бизнес режадаги кўрсаткичлар бажарилиши ҳақида фикрлар баён этилган. Кўрсаткичлар «ТТТ – AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосаси билан таққосланганда юқорида айтилган фикрларни тўғрилиги, жамиятнинг йиллик баланси амалдаги қонун талабларига мос равишда юритилганлиги ва жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олган даромади **25 915 739,0 минг сўмни** ташкил қилиши, шундан даромад солиғи ва бошқа солиқларга **4 763 380,0 минг сўм** ажратилиб, қолган соф фойда эса **21 152 359,0 минг сўмни** ташкил қилганлиги кўрсатилган. (ҳисоботнинг тўлиқ матн ва жадваллар кўринишида илова қилинади).

Шунингдек, кузатув кенгаши аъзоси Ш.Қодиров акциядорларга, олинган соф фойданинг 10 фоизини дивиденд тўловларига ажратиш масаласини киритди.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Тарафдорлар – 9 киши (100 фоиз), қаршилар- йўқ, бетарафлар-йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан молиявий ва сотиш масалалари бўйича директори А.Ҳамралиев сўзга чиқиб, жамият баланси, молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот берди. (ҳисоботнинг тўлиқ матн ва жадваллар кўринишида илова қилинади).

Шунингдек, ҳисоботларини текшириш натижалари ҳақидаги тафтиш комиссиясининг ва аудитор фирмасининг хулосаларини ўқиб эшиттирди. Йиғилиш қатнашчилари ҳисобот ва хулосаларни кўриб чиқиб, маъқулладилар ҳамда акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун таклиф этдилар.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Тарафдорлар – 9 киши (100 фоиз), қаршилар- йўқ, бетарафлар-йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан кузатув кенгаши раиси Э.Мирзоалиев сўзга чиқиб, «Ўздонмахсулот» АК бошқарувининг 2021 йил 29 январдаги 6 – сонли буйруғига асосан жамият кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этиладиган «Ўздонмахсулот» АК томонидан Э.Мирзоалиев, А.Қўчқоров, Ш.Қодиров, Б.Рахматов, Р.Юсупов, Н.Саидов, А.Менглиев, Х.Бахрутдиновалар ҳамда «Барака» ИФ АЖдан О.Корабоев ва «Туркистон инвест» АЖдан О.Акилхоновларнинг номзодларини умумий йиғилишда кўриб чиқиш учун киритишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Тарафдорлар – 9 киши (100 фоиз), қаршилар- йўқ, бетарафлар-йўқ.

Кун тартибдаги тўртинчи масала юзасидан кузатув кенгаши раиси Э.Мирзоалиев тафтиш комиссияси аъзолари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76 – моддаси талабларига асосан ҳар йили қайта сайланиши лозимлигини ҳисобга олиб, тафтиш комиссияси аъзолигига Б.Солиев, С.Ахматшаев ва А.Исмаиловлар номзодларига муносабат билдиришлари учун таклиф этди.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Тарафдорлар – 9 киши (100 фоиз), қаршилар- йўқ, бетарафлар-йўқ.

Бешинчи масала юзасидан кузатув кенгаши раиси Э.Мирзоалиев, 2020 йил якуни бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини жорий йилнинг 29 март куни соат 10-00 да жамиятнинг мажлислар залида ўтказишлигини таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Тарафдорлар - 9 киши (100 фоиз), қаршилар- йўқ, бетарафлар-йўқ.

Олтинчи масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси Б.Раҳматов «Ўздонмаҳсулот» АК бошқарувининг хатига мувофиқ, акционерлик жамиятининг умумий йиғилиши кун тартибини куйидаги тартибда белгилашни таклиф этди.

1. *Жамият бошқарувининг 2020 йил якуни бўйича жамият молия – хўжалик фаолияти юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.*
2. *Жамият ижро органи аъзоларининг 2020 - йилдаги йиғилиши баёнлари ва қарорларини тасдиқлаш.*
3. *Бошқарув раиси ва ижро органи аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш.*
4. *Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.*
5. *Жамиятнинг 2020 йил молия - хўжалик фаолияти бўйича тафтиш комиссияси ва ички аудит ҳисоботини тасдиқлаш.*
6. *Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.*
7. *2020 йил якуни бўйича ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.*
8. *2021 йил жамият аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш.*
9. *Жамият Кузатув кенгаш таркибини қайта сайлаш.*
10. *Жамият Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.*
11. *2020 йил якуни бўйича соф-фойдани тақсимлаш.*
12. *Жамият бошқарув раисининг 2021 йил учун бизнес-режасини ва жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш.*
13. *2021 йил учун харажатлар сметасини тасдиқлаш.*
14. *Жамиятнинг коорпоратив бошқарув Кодекси талабларига мувофиқ жамиятда 2020 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган коорпоратив баҳолаш бўйича хулосасини тасдиқлаш.*
15. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ4426-сонли қарори талабларига мувофиқ бошқарув раисининг ишлаб чиқариши, маҳаллийлаштириши ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириши ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳисоботини кўриб чиқиши.*

16. Жамиятда харидлар жараёнинг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш.

17. Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тўхтатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан буён ундирилмасдан келаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликларни, юридик шахс тугатилганлиги ҳақидаги тегишли хужжатларига асосан жамият балансидан чиқаришни кўриб чиқиш.

18. Жамият балансида улуши бўлган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналаридан ташқари барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш.

Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалалар муҳокамадан сўнг овозга қўйилди:

Тарафдорлар – 9 киши (100 фоиз), қаршилар- йўқ, бетарафлар-йўқ.

Еттинчи масала юзасидан Н.Саидов сўзга чиқиб, акциядорларга умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантиришни жорий йилнинг 5 март ҳолатига ва умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантиришни эса жорий йилнинг 24 март ҳолатига белгилашни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Тарафдорлар – 9 киши (100 фоиз), қаршилар- йўқ, бетарафлар-йўқ.

Саккизинчи масала юзасидан О.Қорабоев сўзга чиқиб, акциядорларга ва компания вакилига умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилишни 9-март кунигача жамиятнинг расмий веб-сайтида ва «Фарғона ҳақиқати» газетасида эълон беришни ҳамда акциядорлар электрон почтасига хабарнома юбориш орқали амалга оширишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Тарафдорлар - 9 киши (100 фоиз), қаршилар- йўқ, бетарафлар-йўқ.

Тўққизинчи масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси А.Менглиев, умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва ишончли вакилига тақдим этиладиган ахборот (материал)лар рўйхатига жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамиятнинг тафтиш комиссияси ва кузатув кенгашига номзодлар тўғрисидаги маълумотларни киритишни таклиф этди.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Тарафдорлар - 9 киши (100 фоиз), қаршилар- йўқ, бетарафлар-йўқ.

Ўнинчи масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси А.Кўчқоров, умумий йиғилиш кун тартибидан келиб чиққан ҳолда, иловада кўрсатилган овоз бериш бюллетени шакли ва матнини тасдиқлашни таклиф этди.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Тарафдорлар - 9 киши (100 фоиз), қаршилар- йўқ, бетарафлар-йўқ.

Ўн биринчи масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси О.Қорабоев, умумий йиғилиш саноқ комиссияси аъзоларини О.Алимбеков, М.Эминова ва М.Қозижоновалардан иборат таркибда бўлишни ҳамда акциядорлар умумий

йиғилишига тавсия этиш таклифини билдирди. Таклиф овозга қўйилди ва қўпчилик овоз билан маъқулланди.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, Кузатув кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жамият бошқаруви раисининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи қоникарли деб топилсин ва муҳокома учун акциядорлар умумий йиғилишига киритилсин.

2020 йил якуни бўйича олинган **21 152 359,0** минг сўм соф фойданинг **5** фоизи захира фондига (**1 057 617,9** минг сўм), **10** фоизи (**2 116 258,7** минг сўм; хар бир оддий акциялар учун **1000,00** сўм, имтиёзли акциялар учун **75,00** сўмдан дивидендга, **436** млн.сўм кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини рағбатлантиришга, ижро органи аъзоларини рағбатлантиришга **1,25** фоиз (**264 404,5** минг сўм). Касаба қўмитасига **30** млн.сўм, ишчи ходимларни рағбатлантиришга **7,09** фоиз (**1 500 000,0** минг сўм) **74,59** фоизи (**15 747 952,5** минг сўм) ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш таклифининг тасдиғи акциядорлар умумий йиғилишига киритилсин.

2. Тафтиш комиссияси ва аудитор ташкилотининг хулосалари маъқуллансин ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш учун киритилсин.

3. Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун Кузатув кенгаши аъзолигига Э.Мирзоалиев, А.Қўчқоров, Ш.Қодиров, Б.Раҳматов, Р.Юсупов, Н.Саидов, А.Менглиев, Х.Баҳрутдиновлар ҳамда «Барака» ИФ АЖдан О.Корабоев ва «Туркистон инвест» АЖдан О.Акилхоновларнинг номзодлари таклифи киритилсин.

4. Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун, тафтиш комиссияси аъзолигига Б.Солиев, С.Ахматшаев ва А.Исмаиловлар номзодлари таклиф қилинсин.

5. 2020 йил якуни бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жорий йилнинг 29 март куни соат 10:00 да жамиятнинг мажлислар залида ўтказилсин. Акциядорларни рўйхатга олиш шу куни соат 8:00 дан 10:00 гача амалга оширилсин.

6. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

1. *Жамият бошқарувининг 2020 йил якуни бўйича жамият молия – хўжалиги фаолияти юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.*

2. *Жамият ижро органи аъзоларининг 2020 – йилдаги йиғилиш баёнлари ва қарорларини тасдиқлаш.*

3. *Бошқарув раиси ва ижро органи аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш.*

4. *Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.*

5. *Жамиятнинг 2020 йил молия - хўжалик фаолияти бўйича тафтиш комиссияси ва ички аудит ҳисоботини тасдиқлаш.*

6. *Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.*

7. *2020 йил якуни бўйича ташкил аудитор хулосасини тасдиқлаш.*

8. *2021 йил жамият аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш.*

9. *Жамият Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.*

10. *Жамият Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.*

11. *2020 йил якуни бўйича соф-фойдани тақсимлаш.*

12. *Жамият бошқарув раисининг 2021 йил учун бизнес-режасини ва жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришининг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш.*

13. *2021 йил учун харажатлар сметасини тасдиқлаш.*

14. *Жамиятнинг коорпоратив бошқарув Кодекси талабларига мувофиқ жамиятда 2020 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган коорпоратив баҳолаш бўйича хулосасини тасдиқлаш.*

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ4426-сонли қарори талабларига мувофиқ бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳисоботини кўриб чиқиш.

16. Жамиятда харидлар жараёнинг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларининг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш.

17. Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тўхтатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан буён ундирилмасдан келаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликларни, юридик шахс тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларига асосан жамият балансидан чиқаришни кўриб чиқиш.

18. Жамият балансида улуши бўлган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналаридан ташқари барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш.

7. Акциядорларга тақдим қилинадиган ахборотлар рўйхатига: жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамиятнинг тафтиш комиссияси ва кузатув кенгашига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият бухгалтерия баланси, молиявий натижалари киритилсин.




8. Овоз бериш бюллетенлари шакли ва матни йиғилиш баёнида илова қилинганидек тасдиқлансин.

10. Санок комиссияси аъзолигига О.Алимбеков, М.Эминова ва М.Қозижоновалар номзодлари келишиш учун акциядорлар умумий йиғилишига киритилсин.

11. Акциядорлар умумий йиғилишини юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни ўз вақтида ташкиллаштириш жамият бошқаруви раиси А.Рўзमतовнинг зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси

Аъзолари



Э.Мирзоалиев

А.Кўчқоров

Ш.Қодиров

Б.Рахматов

Р.Юсупов

Н.Саидов

А.Менглиев

Х.Бахрутдинова

О.Қорабоев

Кузатув кенгаши мажлис баённомаси 2021 йил 5 март куни тузилди.